

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ “ШАРХ
АЛ-АҚОИД” АСАРИДАГИ СОФИСТИК
ТАФАККУРНИНГ ФАЛСАФИЙ-
МАНТИҚИЙ ТАҲЛИЛИ

PHILOSOPHICAL AND LOGICAL
ANALYSIS OF SOPHISTIC THINKING
IN THE WORK “SHARH AL-AQEED AN-
NASAFI” BY THE GREAT THINKER
SADEDDIN TAFTAZANI

ФИЛОСОФСКО-ЛОГИЧЕСКИЙ
АНАЛИЗ СОФИСТИЧЕСКОГО
МЫШЛЕНИЯ В ПРОИЗВЕДЕНИИ
САЪДУДДИНА ТАФТАЗАНИ «ШАРХ-АЛЬ-
АКАИД»

Mirzaqul NORQOBILOV,
NAVOI STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE
Teacher of the department of National ideology and
the fundamentals
of spirituality, e-mail: norkobilov.m@mail.ru
45, Ibn Sina, Navoi, 210100, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/14

Аннотация: Мазкур мақолада билимлик, илму-маърифатни инсоният ҳаётининг моҳияти сифатида эътироф этган мутафаккир Саъдуддин Тафтазонининг “Шарҳ ал-ақоид” асаридаги софистик тафаккурнинг ижтимоий-фалсафий ва мантиқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Ислом фалсафаси тарихи контекстида пайдо бўлган турли ижтимоий-мантиқий мулоҳазаларнинг софистикага оид талқинлари илмий баён этилган.

Мақолада келтирилган барча маълумотлар қиёсий-тарихий, мантиқий методлар асосида ёритилган ҳамда янги давр фалсафаси вакиллари софистикага муносабати ва илмий ёндошувлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Софистик тафаккурнинг илмий аҳамияти замон ва макон нуктаи назаридан таҳлил қилинган ушбу тадқиқотда мазкур терминнинг минтақада пайдо бўлиши, унинг объектив ва субъектив сабаблари тарихий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Шунингдек, софистик қарашлар негизида юзага келган айрим ижтимоий-фалсафий масалаларга ислом фалсафасининг, хусусан, калом илмининг муносабати ҳақида онтологик нуктаи назардан фикр юритилган. Софистиканинг макон ва замондаги ижтимоий аҳамияти ҳамда маиший ҳаётда юз берган муаммоларнинг илмий ечимлари фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Фалсафа фанининг араб минтақаларга кириб бориш сабаблари, омиллари ҳамда мазкур жараёнда маълум бир шахсларнинг роли билан боғлиқ жиҳатларга аллома Саъдуддин Тафтазонининг гносеологик билимлари асосида фалсафий-тарихий муносабат баён этилган. Мақола сўнггида ислом феномени негизида пайдо бўлган маънавий мероснинг халқлар ва миллатлар ўртасида ижтимоий тотувлики

таъминлашдаги аҳамияти диалектик қарашлар асосида ёритилган. Жумладан, минтақаларнинг исломлашиш жараёнида пайдо бўлган бузук эътиқоддаги оқимларнинг далилланмаган фикрларига қарши жамиятда ижтимоий мувозанатни таъминлашга хизмат қиладиган омилларнинг назарий-методологик асослари ҳақида сўз боради.

Мақолада араб тилидаги матнлардан “Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия” асарининг 2009 йилда Покистон давлати Карачи шаҳридаги “Мактабат ул-бушро” нашриётида чоп этилган биринчи нашридан фойдаланилган ва иктибослар келтирилган.

Калит сўзлар: “файл”, “суфа”, “суфастойлик”, “ас-суфистанийа” объектив реаллик, скептицизм, агностицизм, софистика, релятивизм, ижтимоий уйғунлик.

Аннотация: В данной статье анализируются социально-философские и логические аспекты софистического мышления в работе мыслителя Садуддина Тафтазани «Шарх аль-Акаид», который признал знание как сущность человеческой жизни. С научной точки зрения описаны софистические интерпретации различных социологических соображений, возникших в контексте истории исламской философии. Вся информация, представленная в статье, освещается на основе сравнительно-исторических, логических методов, теоретически анализируется отношение представителей философии нового периода к софистическому и научному подходам. В данном исследовании, в котором анализируется научная значимость софистического мышления с точки зрения времени и пространства, проводится историко-философское исследование появления данного термина в регионе, его объективных и субъективных причин. В нем также обсуждается с онтологической точки зрения отношение исламской философии, в частности богословия, к определенным социально-философским вопросам, возникающим на основе софистических взглядов. Философски проанализированы научные решения проблем повседневной жизни, социальная значимость софистики в пространстве и времени. На основе гносеологических знаний учёного Садуддина Тафтазани изложены: причины и факторы проникновения предмета философии в арабские регионы, также философско-историческое отношение к особенностям, связанным с ролью отдельных лиц в данном процессе. В конце статьи на основе диалектических взглядов объясняется важность духовного наследия, возникшего на основе исламского феномена, в обеспечении социальной гармонии между народами и нациями. В частности, речь идет о теоретической и методологической основе факторов, служащих обеспечению социального равновесия в обществе, в отличие от недоказанных представлений о потоках извращенных убеждений, возникших в процессе исламизации регионов.

В этой статье приводятся цитаты из первого издания книги «Шарх аль-Акаид ан-Насафия», изданной на арабском языке в 2009 году издательством «Мактабат ул-бушро» в государстве Пакистан, городе Карачи.

Ключевые слова: “фило”, “софия”, “суфастуанизм”, “ас-суфистанийа”, реальный объектив, скептицизм, агностицизм, софистика, релятивизм, социальная гармония.

Abstract: This article analyzes the socio-philosophical and logical aspects of sophistic thinking in the work of the thinker Saduddin Taftazani “Sharh al-Aka'id”, who defined knowledge as the essence of human life. Sophistic interpretations of various sociological considerations that have arisen in the context of the history of Islamic philosophy are described from a scientific point of view. All the information presented in the article is covered based on comparative historical, logical methods, the attitude of representatives of the philosophy of the new period to the sophistic and scientific approaches is theoretically analyzed. This study, which analyzes the scientific significance of sophistic thinking for time and space, conducts a historical and philosophical study of the appearance of this term in the region, its objective and subjective reasons. From an ontological point of view, the article examines the attitude of Islamic philosophy, in particular theology, to certain socio-philosophical issues arising based on sophisticated views. Also, scientific solutions to the problems of everyday life, the social significance of sophistry in space, and time are philosophically analyzed. Based on the epistemological knowledge of the scientist Saduddin Taftazani, the following are stated: the reasons and factors for the penetration of the subject of philosophy into the Arab regions, as well as the philosophical and historical attitude to the features associated with the role of individuals in this process. In the final part of the article, based on dialectical views, the importance of the spiritual heritage, which has arisen based on the Islamic phenomenon, is explained in ensuring social harmony between peoples and nations. In particular, the theoretical and methodological foundations of the factors that serve to ensure social balance in society have been investigated, as opposed to the unsubstantiated notions of perverted trends that arose in the process of the Islamization of the regions.

This article cites quotes from the first edition of Sharh al-Aqaid al-Nasafiya, published in Arabic in 2009 by Maktabat ul-bushro publishing house in the state of Pakistan, Karachi.

Keywords: the history of philosophy, scientific approach, Islamic philosophy, sophistic thinking, real lens, skepticism, agnosticism, sophistry, relativism, social harmony.

КИРИШ

Маълумки, жаҳон микёсида ўрганиладиган ҳар қандай билимнинг асосий мақсади инсон фаолиятининг муайян соҳасида юзага келган масалага ечим топишдан иборат бўлади. Билимлар ўзига хос тарзда ғоялар, назариялар, таълимотлар ва бошқа шакллар асосида объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беради. Бу борада ижтимоий ҳаёт маҳсули бўлган умуминсоний урф-одат, қадрият ва билим рационал тафаккур ривожига хизмат қилган.

Жумладан, мамлакатимизда илмий-маърифий соҳада ижтимоий билимлар ва интеллектни шакллантириш, мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ҳамда тарихий жараёнда яратилган алломалар меросини ўрганиш асосида маънавиятимизни қайта тиклаш, уни ёшлар онгига сингдириш давлатимиз сиёсатидаги устувор вазифа қилиб белгиланди. Бу борада республикаимизда олиб борилаётган ислохотлар “ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида” (*Mirziyoyev Sh.M. PF-5416. <https://lex.uz/docs/3686277>*) ҳолисона тадқиқ қилишга чорлайди. Зеро, улуғ аждодларимиз қолдирган маданий-маънавий мерос асрлар оша умуминсоний қадриятлар ривожига хизмат қилиб келмоқда.

Мазкур тадқиқотда билим, тафаккур, илму-маърифатни инсоният ҳаётининг моҳияти сифатида эътироф этган мутафаккир Саъдуддин Тафтазонийнинг (1322-1392 й.) “Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий” асари ва ундаги софистикага оид айрим ижтимоий-фалсафий ҳамда мантиқий мулоҳазалар ҳақида сўз юритилади.

ТАДҚИКОТДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МЕТОДЛАР

Мақолани тайёрлашда ислом феноменологиясида софистик дунёқараш қиёсий-тарихий жиҳатдан таҳлил ва талқин қилинди. Таҳлиллар натижаси асосида таклиф ва тавсиялар берилди. Софистиканинг ижтимоий-фалсафий моҳиятига аналогик жиҳатдан ёндошилди. Қиёсий-тарихий метод билан бирга умумий илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

ИЛМИЙ МОҲИЯТИ

Буюк аллома Абу Хафс Насафийнинг маънавий мероси дунё илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланганлигини илми аҳли эътироф этади. Унинг “Ислом таълимотига бағишланган “Ақоид” асари мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси ривожига ўрнини қайта баҳолашга сабаб бўлмоқда” (*Alloqulov A.A. 2018:6*). Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий” асари Абу Хафс Насафийнинг “Ақоид” асарида нақлий ва ақлий далиллар асосида ёзилган шарҳ бўлиб, ушбу асар турли гуруҳ ва оқимлар тарихи, ислом фалсафаси ва калом илми моҳиятини очиқ беришда қимматли манбалардан бири сифатида эътироф этилади. “Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий” асари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда Қуръони карим, ҳадис ва бошқа мўътабар манбаларга асосланиб, қолаверса, алломанинг ўз раъй-фикри, яъни рационал тафаккуридан ҳам фойдаланилган ҳолда ижтимоий муҳитда содир

бўлган ва бўлаётган муаммоларга ечим топишда назарий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Шунингдек, асарда етук ислом олимлари мушоҳадаларининг эътирофи, соф ақидавий мазҳаб таълимотларининг ёритилиши, даврий равишда исломда пайдо бўлган фирқа ва оқимларга раддиялар битилганлиги каби аспектларнинг мавжудлиги аллома ўз китобини тарихий тенденциядаги ижтимоий эҳтиёжни англаган ҳолда ёзилганлигидан дарак беради.

Асарда Тафтазонийнинг турли оқимлар эътиқодларида, қарашларида далилланмаган ва нотўғри факторлар мавжуд эканлиги ҳамда уларнинг қарашлари билан илмий дискурс қилишнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Асарда бу каби фалсафий омилларнинг мавжудлиги, унинг маънавий-ахлоқий қийматини ошириш билан бирга ислом ақидасидаги ижтимоий зарурат моҳиятини очиқ беришда назарий методологик манба вазифасини бажаради.

Шу нуктаи назардан, “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарининг яна бир жиҳати кўзга ташланадики, ундаги айрим масалалардан бугунги кунда ижтимоий ҳаётда учраб турган ислом ниқоби остидаги гуруҳларнинг нотўғри эътиқодларига раддия сифатида истифода этиш мумкин. Жумладан, “сохта салафийлар” каби оқимларга нисбатан амалий чора сифатида қўллаш ўринлидир. Асарда бу каби атрибутларнинг баён этилиши, жамият учун ижтимоий уйғунлик ва мувозанатни таъминловчи омиллар мавжудлигига шубҳа қолдирмайди.

Алломанинг ислом ақоиди, яъни калом илми борасидаги “Шарҳ ал-ақоид” асарида алоҳида олинган 60га яқин фикҳий ва ақидавий масалалар ақлий ҳамда нақлий далиллар асосида ёритиб берилган. Мазкур асар юзасидан ўз даврида ҳам, ҳозирги кунда ҳам ижтимоий мунозараларнинг ечимига сабаб бўлган айрим масалалар билан таништиришни лозим топдик. Тадқиқот манбаси сифатида “Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия” асарининг 2009 йилда Покистон давлати Карачи шаҳридаги “Мактабат ул-бушро” нашриётида чоп этилган биринчи нашридан фойдаланилади.

ТАҲЛИЛ

Тарихдан маълумки, ислом динининг юқори тамаддун даражасига эга бўлган минтақаларга ёйилиши бу ерларда устувор бўлган мистик-фалсафий қарашларнинг ислом мафкураси билан туқнашувини келтириб чиқарган (*Sirojiddinov Sh. 2008:5*). Мазкур тарихий тенденция ислом динига юнон фалсафасининг кириб келиши билан изоҳланади. VII-VIII асрларга келиб ислом дини негизда пайдо булган фикҳий ва ақидавий

масалаларга ечим топишда рационал ёндашувнинг аҳамияти ортиб борди. Пировард натижада “исломий фалсафанинг илк кўриниши бўлган калом илми” (Sirojiddinov Sh.2008:5) пайдо бўлди.

Юқорида таъкидлаган жараённинг тезлашуви натижасида юнонларнинг диалектик унсурларини ўзида мужассамлаштирган исломдаги фалсафий оқимлар фаолияти кўзга ташланади. Араб диёрларига юнон фалсафасининг кириб келиши хусусида замонавий фалсафада бирор-бир шахснинг номи тилга олинмаган. Аллома Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид” асарида эса бу масалага субъектив ёндашув асосида фикр билдирилади.

Жумладан:

أول من نقلها خالد بن يزيد بن معاوية رضي الله عنه، وكان ماهرا في الطب وغيره، ونقل أكثرها في زمن المأمون العباسي، ومن أعظم الناقلين حنين بن إسحاق بن حنين، كما صرح به شيخ مشايخنا مولانا الشاه ولي الله رحمته الله المحدث الدهلوي في بعض تصانيفه. والفلسفة: هي الحكمة اليونانية مركبة من فيلسوفا، أي محب الحكمة، وهي علم بأصول كاشفة عن أحوال الموجودات، على ما في نفس الأمر بقدر طاقة أوساط الناس. واليونان: اسم بلد من الروم، منسوبة على يونان بن يافث بن نوح عليه السلام. [الديري: ٢٢] (وبعض الحواشي) خالفوا فيه: كقدم العالم، وإيجاب الصانع، ونفي حشر الأجساد، ونفي علم الله سبحانه بالجزئيات. وبما يجب أن

Маъноси: “Фалсафани илк бор Холид ибн Язид ибн Муовия (р.а.) араб қўлёзмаларига олиб кирган. Бу инсон тиббиёт ва фаннинг бошқа соҳаларида моҳир киши бўлган. Фалсафа илми юноний ҳикмат бўлиб, “файла” ва “суфа” сўзларининг бирикувидан ташкил топган. Бу сўз юнон-румдаги бир шаҳарнинг номи бўлиб, Юнон ибн Ёфас ибн Нухга нисбат берилган. Аксарият фалсафий қараешлар аббосий халифа Маъмун даврида кириб келган. Энг кўп фалсафий фикрларни нақл қилган шахслардан бири Хунайн ибн Исҳоқ ибн Хунайндир. Бу борада машоихларимиздан шайх Мавлоно шоҳ Валиуллоҳ Деҳлавийнинг баъзи фикрлари мавжуд” (Sa’duddin Taftazoniy 2009:22). Юқоридаги жумлалардан маълумки, аллома Тафтазоний томонидан “Шарҳ ал-ақоид” асарида фалсафанинг араб диёрларига кириб келиши ҳақида қимматли фикрлар келтирилади.

Шунингдек, асарда диалектик қарашлар ҳам мавжуд. Фалсафачилар пайғамбарлар шогирдлари ёки хос иймонли кишилар бўлганлиги таъкидланади. Аммо баъзи бир фалсафачиларнинг асарларидаги ислом шариятига зид ўринларга тўхталадиган бўлсак, улар муайян воқеликни нақл қилувчиларнинг хатоси ёки (семантик-семиотик) белгиларни англашдаги фикрларнинг саёзлигидан деб тушунтиради. Тафтазоний бундай кишилар хусусида фикр билдириб айтадики:

كانوا يتكلمون بالإشارات كالتصوف، وإما صادرة عن أربال المتفلسفة، الذين يدعون الاستغناء عن الأنبياء، وليسوا من الحكمة في شيء، وإما لأن شرائع أنبيائهم كانت ساكنة عن تلك المسائل، فتكلموا فيها بالرأي فغلط اجتهدهم، من غير أن يكفروا بالغلط لسكوت الشرع عنها في عهدهم، كما أن القول بجل الخمر لم يكن كفرا قبل تحريمه، ثم إن علوم الحكمة الموجودة في زماننا، مشتملة على حق وباطل. [الديري: ٢٢]

Маъноси: “Улар худди суфийлар каби ишоралар билан мулоқотга киришган ёки пайғамбарни тан

олмайдиган ботил фалсафачилар томонидан нақл қилинган деб қарайди. Уларда илм маърифатдан асар ҳам йўқ. Шу боис мазкур масалани бутунлигича хато талқин қилишади. Ўша даврда шарият бу мавзуга ҳеч қандай муносабат билдирмаган. Шунинг учун улар “дундан қайтган – кофир” деб ҳисобланмаган”, (Sa’duddin Taftazoniy 2009:22) -дея тушунтиради.

Шунингдек, “Шарҳ ал-ақоид” асарини тадқиқ қилиш жараёнида “суфастойя” ёки “суфастойилик” деб номланган оқимлар фаолияти ҳам кўзга ташланади. Юқорида таъкидланганидек, “суфастойилик” ақлий далилларни нотўғри талқин қилиш асосида юзага келган ғоялар мажмуидан иборат.

Маълумки, “сўфастойя” сўзи юнон тилидан кириб келган бўлиб, ундаги “сўфо” сўзи “илм” маъносида, “исто” эса “ғалат, нотўғри” маъносидадир. “Сафсата” сўзи ҳам мана шу сўздан олинган. Ушбу тоифага мансуб кишилар нарса ва ашёларнинг ҳақиқатини инкор қиладилар. Борлиқдаги барча ашёлар ҳаёл ва тасаввурдан иборат эканлигини таъкидлайдилар. Баъзилари эса: “нарсалар эътиқодга боғлиқ, агар нарсани жавҳар деб эътиқод қилсак, жавҳардир. Агар қадимий деб эътиқод қилсак, қадимийдир ва агар янги пайдо бўлган деб жазм қилсак, янги пайдо бўлгандир”, дейдилар” (www.ahlisunna.uz. 2016.23.05).

Саъдуддин Тафтазоний ҳам ўзининг фалсафий қарашларида табиат ва жамиятдаги ҳодисалар ўртасида сабаб-оқибат муносабатлари мавжудлигига шубҳа билан қарамайди. Тафтазоний яшаган замонда бўлгани каби янги давр фалсафаси вакиллари орасида ҳам табиат ҳодисаларига ва ашёларга нисбатан гностик нуқтаи назардан фикр билдирган файласуфлар жуд кўп бўлган. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, объектив реалликнинг мавжудлигига шубҳа билан қаровчи скептицизм асосчиларидан бири Давид Юм (1711-1776)нинг нуқтаи назарича, бутун борлиқдаги ижтимоий воқелик субъектив хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг одатларига боғлиқлиги, сабабият ва зарурият сезгилар тартибидаги кетма-кетлик эканлигини таъкидлаб ўтган. “Шундай қилиб, Юм скептицизмни агностицизмнинг турларидан бири сифатида қараб, моддий дунё қонунларини билишни инкор этади. Бу билан фан тараққиётини чеклашга ҳаракат қилади (Karimov I., Rustamova M.2006:51).

Давид Юм ва Саъдуддин Тафтазонийнинг мазкур мавзудаги фикрларини қиёсий таҳлил қилдик. Аллома Тафтазоний мавжуд реал борлиқ объектларини, воқеа-ҳодисаларни ашёларни ҳаёлот деб аташ фалсафий ақидани нотўғри талқин қилиш демакдир, -дея таъкидлайди. Шу ўринда аллома ўзининг “Шарҳ ал-ақоид” асарининг дастлабки

саҳифаларида мусулмон жамоалари томонидан бузилётган ақидаларни тузатиш ва ўша даврда мавжуд бўлган барча бузук эътиқоддаги оқимларни инкор этиш ҳамда соф исломий ақидани ўрнатиш учун асос сифатида ёзилганлигини таъкидлаш ўринли.

Калом илмида мутлақ (абсолют) билим фақат Яратувчига хос эканлиги, қолган барча билимлар нисбий тушунча эканлиги таъкидланади.

Тафтазоний асаридаги ашёларнинг ҳақиқати тўғрисидаги мавзуда оламдаги нарса-ҳодисаларнинг барчаси объектив реалликда мавжудлиги таъкидланган. Асарда ижтимоий борлик мавжуд эканлиги, гарчи инсон ўша айтилаётган нарсани билмаса ҳам (наrsa ва ҳодиса тўғрисида тасаввур ҳосил бўлмаса-да), ўша нарса ва ҳодиса ўз ҳолича мавжуд бўлишлиги таъкидлаб ўтилади. Яна бир тарихий-қиёсий таҳлилни кўриб ўтсак. Тафтазоний томонидан таъкидланган ушбу фикрлар бир неча аср ўтганидан сўнг Европа классик фалсафасида ўз ифодасини топди.

Мавжуд таҳлилларни Иммануил Кантнинг мазкур мавзудаги фикрлари билан қиёсладик. Инсоннинг табиатдаги нарса-ҳодисалар ҳақидаги эгаллаган билимлари инсонга ўша нарса-ҳодисаларнинг кўриниш ва ҳолатлари, атрибутларининг намоён бўлиши ҳақидагина маълумот бера олади. “Иммануил Кант агностицизмнинг қисқача мазмуни қуйидагича: биз биладиган нарса (феномен) ва ўз ҳолича мавжуд бўлган нарса (ноумен) мутлақо ҳар хилдир. Биз ҳодисалар моҳиятини қай даражада теран англамайлик, бизнинг билимимиз барибир ўзича мавжуд бўлган нарсалардан фарқ қилади. Файласуф ушбу тушунчаларни “наrsa ўзида” талқини орқали объектив оламни таърифлайди (Shermuhammedova N.A. 2008:10).

Минтақаларнинг исломлашиши жараёнида пайдо бўлган ва объектив воқеликни инкор этадиган яна бир гуруҳнинг фикрича ҳеч қандай объективлик йўқлиги ҳамда ҳақиқат мавжуд эмаслиги таъкидланади. Ҳақиқат бу инсон биладиган нарсалардир; яъни баъзи одамлар учун ашёнинг бирор бир ҳолати ҳақида тасаввур мавжуд бўлса, демак у инсон учун шу нарса ҳақиқатдир. Бошқа кишига эса, ашёнинг бошқа бир жиҳати маълум бўлса, у киши учун ўша нарса ҳақиқатдир. Бу тушунча замонавий фалсафада кенг тарқалган релятивизм деб номланувчи таълимотнинг асосини ташкил этади. Табиат ва жамиятдаги барча нарсалар нисбий эканлиги, масалан, бир киши учун ҳақиқат бўлган нарса, бошқа киши учун нисбий тушунча сифатида қабул қилинади ва аксинча. Бу шунчаки, ҳақиқат тушунчасига нисбатан ёндашувнинг турлича шакли бўлиб, ҳақиқат шахснинг эътиқоди (эпистемологияси)га мос келади, қайсики бирор

ашё тўғрисидаги ишонч-эътиқод ўша ашё ҳақидаги ҳақиқатга мос келади.

Софистик дунёқараш структурасидаги яна бир оқим аъзолари дунёни тан олишди, аммо ҳамма нарсадан шубҳаланишди, ҳаттоки ўзлари шубҳаланишаётганига ҳам шубҳа қилишди. Ўрта аср ислом фалсафасидаги бундай қарашлар замонавий фалсафадаги скептиклар номи остида фанга кириб келди. Аллома Тафтазоний объектив реалликни инкор этадиган, тан олмайдиган, тан олса-да, шубҳаланадиган бундай тоифа вакиллари “таъзиб” қилиш кераклигини, яъни оғриқлари объектив эканлигини англаб етгунларигача уларга “сайқал” бериб жазолаш лозимлигини таъкидлайди. Ваҳоланки, илмий асосли шубҳаланишларгина илмий тадқиқотнинг муҳим воситалари қаторидан ўрин олган.

Юқоридаги мавзуга тааллуқли ҳикоятда айтилишича, “суфастойлик йўналиши тарафдорларидан бўлган бир шайх омма олдида туриб, “инсоннинг асли йўқ бўлиб, бу дунёдаги барча нарса-ҳодисалар оддий туш ёки ҳаётотга ўхшаш воқеликдир”, -дея тушунтирарди... Шу пайтда суфастойлик вакилининг фикрлари маъқул бўлмаган кишилардан бири шайхнинг юзига шапалоқ тушуриб юборди. Шайх унга ғазаб қилиб: “Бу нима қилиқ?!”, -деди. Шунда ҳалиги шапалоқ тушурган киши: “Эй шайх, оддий тушлардан бири содир бўлди”, -деди. Бу жавобдан сўнг, суфастойлик оқимининг шайхи мулзам бўлиб, ҳеч нарса дея олмай қолди” (То‘лепов А. 2013:123-124).

Ҳикоят таҳлили шуки, табиат ва жамиятдаги объектив воқеликни тан олмайдиган гуруҳлар тўғрисидаги ушбу кичик матнда ёзувчи барчани эътиборини воқеа-ҳодиса ва ашёларнинг асл моҳиятига қаратади. Бу билан ашёларда онтологик ва гносеологик моҳият мавжуд эканлигини ўқтиради.

Замонавий фалсафа фани эса, “Софистика”га нисбатан муътадил муносабатни сақлаб қолган. “Маълумки, “софистика” юнонча, “sophism” сўздан олинган бўлиб, атайлаб хато асослар ёрдамида, кўп маъноли сўзларга таяниб, фикр юритиш, билиб туриб хато асослардан ёлғон хулоса чиқаришдир” (Nazarov Q. va b. 2015:195), - деб таъкидлайди.

Манбаларда келтирилишича, софистик методда нотик сўз ва ибораларни бир-бирига қарама-қарши йўналтириш орқали мавҳум тушунчани реал ҳақиқатга айлантириш мумкин, деб ҳисоблайди. Аслида эса улар табиий тилдаги сўзларини ноўрин боғлаш, икки маъноли талаффузларни юзага келтириш, фикр ифодалашнинг грамматик шакллари ва бошқа усуллардан фойдаланиб, сохта ҳақиқат ниқоби остида ҳақиқий билимларни ёлғон билан алмаштиришга ҳаракат қиладилар. Арастуниинг таъкидлашича, “софистлар – сохта

донолик ўқитувчилари”(O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2004:24)дир. Форобий шунинг учун ҳам суфастойликка изоҳ бериб, уни “айёрликка асосланган..., биров томонидан билдириладиган фикрни рад этиш..., чалғитувчи санъат бўлиб, уни “ас-сўфистанийя” (софистика) (Forobiy. 2018:93),-деб таъриф беради. Ҳозирги давр аксарият файласуфларининг таъбирича, “Софистлар табиий тилдаги омонимия, амфиболиялардан фойдаланиб, одамлар эътиборини ҳақиқий билимдан чалғитадилар. Ф.Бэкон таъбири билан айтганда, софистлар ҳаддан ташқари маҳмадонадирлар, амалда улардан ҳеч қандай наф йўқ. Бизнинг давримизда ваҳҳобийлар, ҳизбут-тахрирчилар, акромийлар ва бошқа мазҳаблар софистик методдан фойдаланиб, одамларни, айниқса ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқдалар” (Karimov I., Rustamova M. 2006:85). Бундай ҳолатлар айниқса, Қуръони карим суралари ва ҳадисларни нотўғри талқин қилишда кўзга ташланади.

НАТИЖАЛАР

Софистик таълимот чуқур диалектик мунозарали назария. Биз ушбу таълимотни бутунлигича танқид остига олиш ниятидан ҳолимиз. Тадқиқотлар таҳлилида шуни айтмоқчимизки, бундай назариялар жамиятни илгариланма ҳаракатига таъсир доираси замон ва макон нуктаи назаридан баҳоланади. Суфастойлик таълимоти ижтимоий тузум, турмуш шароити ва бошқа шу каби омиллар сабабидан пайдо бўлганлигини эътироф этамиз ва муътадил ёндашувни ёқлаймиз.

Маълумки, инсоният тарихи турлича даврларни босиб ўтган. Софистик таълимот пайдо бўлишининг яна бир версияси, бизнингча, жамиятда мавжуд бўлган ҳурфикрликка нисбатан негатив ёндашув ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳолис муносабат билдириш иложи бўлмаганлиги дея баҳолаймиз. Бу бизнинг қарашларимиз. Бундай ҳолатларда жамиятни илғор зиёли қатлами ўз фикрини ифода этишни турли йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бизнинг фикримизча, фалсафадаги софистик дунёқараш ана шундай ижтимоий ҳолатлар сабабидан дунёга келган. Софистика инсоният тамаддуни тараққиётида юқори аҳамиятли таълимот сифатида эътироф этилади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Саъдуддин Тафтазоний инсоннинг ҳаётини доимий диалектик ҳаракатда, изланишда, ўқиш-ўрганиш ва оламнинг туб моҳиятини англашда, деб билади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тарихий давр контекстида аждодларимизнинг бой маънавий мероси, рационал

тафаккури натижасида орттирилган онтологик ва гносеологик қарашлари ҳам муҳим омилдир. Ҳозирги вақтда ахлоқсизлик борасидаги қарашларни “маданият” деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, дин сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, хусусан ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва жаҳон жамоатчилиги бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканлигини англаб етмоқда. Ваҳоланки, “дин муайян жамиятда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий таназзулни, айниқса, ахлоқий парокандаликни,... бартараф қилишдек эзгу ниятлар мафкурасининг ифодасидир” (Safarova N.O. 2009:172).

Маънавий меросни тўғри талқин қилиш, нафақат ёшларимизда балки бутун ижтимоий қатлам вакилларида ислом фалсафасига нисбатан креатив фикрлашда илмнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини англаш ва тўғри хулоса чиқариш, ҳақиқат ва адолатни жаҳолатдан фарқлашда ижобий роль ўйнайди.

АДАБИЁТЛАР

1. ‘Абд Ал-Малик ‘Абд ар-Раҳман ас-Са’ди. Исламское вероучение. Толкование акыды «Ан-Насафи». Казань. Изд. ДУМ-РТ. 2009.
2. Абдулқодир Абдур Раҳим. Эътикод дурдоналари. “Бадъул амолий” шарҳи. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.: 2016.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: Янги аср авлоди. -б.93.
4. Аллокулов А. (2018) Абу Хафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили. 24.00.01 Ислом тарихи ва манбашунослиги. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: -В. 6.
5. Каримов И., Рустамова М. Фалсафа фани тарихи ва назарияси. Т.:2006. 51-бет.
6. Кинзябаев Д.М. Толкование исламского вероучения в наследии имама Абу Ханифы. Методическое пособие. Уфа – 2018.
7. Matibaeva, Raziya (2019) “Sacralization and traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 3.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2019/iss4/3>
8. Mukhamedov N. (2015) Keffal Şaşı'nın Diplomatiği Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126.<https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>
9. Mukhamedov N., Turambetov N. Memorial complex of the Sultan Uwais Baba – one of cult historical centers in Central Asia // ACADEMICIA : An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Vol. 10 Issue 6, June 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13 <http://www.saarj.com>

10. Mukhamedov Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF HADITH SCHOLARS (MUHADDIS) OF SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION". The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/11>.
11. Nazarov Q. va b. Falsafa asoslari.T.: O'zbekiston. NMIU 2015. -b.195.
12. Norqobilov M.X. The importance of social environment of Temur and the temurians period and the period he lived in the scientific work of Sa'duddin Taftazani. <http://T-science.org/arxivDOI/2020/03-83.html> (SJIF 5,667). Scopus ASCC: 1202. -P. 319-322. <http://Scholar.google.com>.
13. Norqobilov M.X. (2016) Philosophical interpretation of socio-political issues in Sa'deddin Taftazani's "Sharh al-aqeed". EPRA International journal of Research & Development (IJRD) Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal ISII.F. Value: 1.241 DOI: 10.36713/ EPRA 2016/ 05.05.2020. ISSN (Online): 2455-7838 SJIF Impact Factor: 7.001. -P.176-179. <http://IJRD.com>.
14. Norqobilov M.X. (2020) Sa'duddin Taftazoniy "Sharh al-aqoid" asarining yozilish tarixi va ijtimoiy zarurati. Imom Buxoriy saboqlari. №3.2020. ISSN 2181-4791. Buxoriy_saboqlari@mail.ru. 19-21 bet.
15. Норқобилов М.Х. Ижтимоий-тарихий контекстда Саъдуddин Тафтазоний асарларининг фалсафий-маърифий аҳамияти. "Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни ва унга қўшган ҳиссаси" мавзuidaги халқаро илмий-амалий анжуман (видео-конференция) материаллари тўплами. Бухоро. 28-29-май 2020 йил.
16. Норқобилов М.Х. Фалсафа фани контекстида калом илми методологияси (Мутақаллим Саъдуddин Тафтазоний илмий мероси мисолида). Таълим сифатини такомиллаштиришда инновацион ҳамкорликнинг долзарб масалалари. Халқаро илмий онлайн конференция. 2020 йил 27 май, Навоий. -б.201-204.
17. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-ж. Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2004. -б.24.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Диний- маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ5416-сон фармони// <https://lex.uz/docs/3686277>
19. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарканд суннийлик илоҳиёти. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. Т.:2001.
20. Саъдуddин Тафтазоний. "Шарх ал-ақоид". Британия нашри.
21. سعد الدين التفتازاني. شرح العقائد النسفي. كرتاشي. باكستان. مكتبة البشري. 2009 سنة النشر الأول. ص. 22.
22. سعد الدين التفتازاني. شرح العقائد النسفي. كرتاشي. باكستان. مكتبة البشري. 2009 سنة النشر الأول. ص. 23.
23. Сафарова Н. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил). Т.: "Noshir".2099. -б.172.
24. Saifnazarov, I., & Xujayev, M. I. (2018). AXMAD ZAKI VALIDIY ISLAMIC CULTURE. Экономика и социум, (2), 55-57.
25. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. Т.: Ғафур Ғулом, 2004.
26. Sirojiddinov Sh. Islom falsafasiga kirish: kalom ilmi. T.: "Iqtisod-moliya". 2008. -b.5.
27. Sirojiddinov Sh. Islom falsafasiga kirish: kalom ilmi. T.: "Iqtisod-moliya". 2008. -b.5.
28. Sultonov, A. (2019). The new philosophical paradigm of cultural development. The Light of Islam, 2019(4), 25.
29. Sultonov, A. F. (2015). Amir Temur boshqaruv madaniyatini ta'minlashda tolerantlikning ahamiyati. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zmu fuqarolik jamiyati shakllanishini monitoring qilish mustaqil instituti Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zMU ijtimoiy fanlar fakulteti, 461.
30. Тўлепов Айдарбек. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Т.: 2013, 2-нашр. "Sharq" НМАК бош тахририяти. -б.123-124.
31. Тўраев Б.О. Логика (мантик) бўйича масала ва машқлар. Т.: 2010.
32. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) "Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX- early XXI centuries," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/12>
33. www.ahlisunna.uz. "Шарх ал-ақоид" асарининг Хамидуллох Беруний таржимаси. 2016.23.05.
34. Ziynatullayev, Ziyodilla (2020) "The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/21>
35. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. Eastern European Scientific Journal, (6).
36. Qaxharova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. The Light of Islam, 2019(4), 24.
37. Qaxharova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. The Light of Islam, 2020(1), 110-115.

REFERENCES

1. 'Abd Al-Malik 'Abd ar-Raxman as-Sa'di. (2009) Islamskoye veroucheniye. Tolkovaniye akьды «An-Nasafi». Kazan. Izd. DUM~RT.
2. Abdulqodir Abdur Rahim. (2016) E'tiqod durdonalari. "Bad'ul amoliy" sharhi. Qayta ishlangan va to'ldirilgan ikkinchi nashr. "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati. T.
3. Abu Nasr Forobiy. (2018) Fozil odamlar shahri. T.: "Yangi asr avlodi". 2018. - b.93.
4. Alloqulov A.A. (2018) Abu Xafs Nasafiyning "Aqoid" asari va uning sharhlari tahlili. 24.00.01 – Islom tarixi va manbashunosligi. Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiya avtoreferati.T.: -b.6.
5. Karimov I., Rustamova M. (2006) Falsafa fani tarixi va nazariyasi. – T.: -b.51.

6. Kinzyabayev D.M. (2018) Tolkovaniye islamskogo veroucheniya v nasledii imama Abu Xanify. Metodicheskoye posobiye. – Ufa.
7. Matibaeva, Raziya (2019) “Sacralization and traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr,” *The Light of Islam*: Vol. 2019: Iss.4, Article3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/3>
8. Mukhamedov N. (2015) Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. *Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi* 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>
9. Mukhamedov N., Turambetov N. (2020) Memorial complex of the Sultan Uwais Baba – one of cult historical centers in Central Asia // *ACADEMICIA : An International Multidisciplinary Research Journal* (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Vol. 10 Issue 6, June 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13 <http://www.sarj.com>
10. Mukhamedov Nematullo (2020) “Activities of hadith scholars (muhaddis) of shash oasis in scientific centers of the region”. *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss. 2, Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/11>.
11. Nazarov Q. va b. (2015) *Falsafa asoslari*. T.: O'zbekiston. NMIU 2015. -b.195.
12. Norqobilov M.X. (2020) Falsafa fani kontekstida kalom ilmi metodologiyasi (Mutakkalim Sa'duddin Taftazoniy ilmiy merosi misolida). Ta'lim sifatini takomillashtirishda innovatsion hamkorlikning dolzarb masalalari. Xalqaro ilmiy onlayn konferensiya. 2020 yil 27 may, Navoiy. –b.201-204.
13. Norqobilov M.X. (2020) Ijtimoiy-tarixiy kontekstda Sa'duddin Taftazoniy asarlarining falsafiy-ma'rifiy ahamiyati. “Buxoroning islom sivilizatsiyasidagi o'rni va unga qo'shgan hissasi” mavzuidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman (videokonferensiya) materiallari to'plami. Buxoro. 28-29-may 2020 yil.
14. Norqobilov M.X. Philosophical interpretation of socio-political issues in Sa'deddin Taftazani's “Sharh al-aqeed”. *EPRA International journal of Research & Development (IJRD)* Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal ISII.F. Value: 1.241 DOI: 10.36713/ EPRA 2016/ 05.05.2020. ISSN (Online): 2455-7838 SJIF Impact Factor: 7.001. -P.176-179. <http://IJRD.com>.
15. Norqobilov M.X. (2020) Sa'duddin Taftazoniy “Sharh al-aqoid” asarining yozilish tarixi va ijtimoiy zarurati. *Imom Buxoriy saboqlari*. №3.2020. ISSN 2181-4791. Buxoriy_saboqlari@mail.ru. 19-21 bet.
16. Norqobilov M.X. The importance of social environment of Temur and the temurians period and the period he lived in the scientific work of Sa'duddin Taftazani. <http://T-science.org/arxivDOI/2020/03-83.html> (SJIF 5,667). Scopus ASCC: 1202. -P. 319-322. <http://Scholar.google.com>.
17. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 8-j. T.: O'ZME DIN, 2004, -b.24.
18. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2018-yil 16-apreldagi “Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PF 5416-son farmoni // <https://lex.uz/docs/3686277>
19. Rudolf U. (2001) *Al-Moturidiy va Samarqand sunniylik ilohiyoti*. Imom al-Buxoriy xalqaro jamg'armasi. – T.
20. Sa'duddin Taftazoniy. “Sharh al-aqoid”. Britaniya nashri.
21. Sa'duddin Taftazoniy. *Sharh al-aqoid an-Nasafiy*. Karachi. Pokiston. Maktabat ul-bushro. 2009-yil 1-nashr.-b.22.
22. Sa'duddin Taftazoniy. *Sharh al-aqoid an-Nasafiy*. Karachi. Pokiston. Maktabat ul-bushro. 2009-yil 1-nashr.-b.23.
23. Safarova N.O. (2009) *Terrorizm* (Tarixiy-falsafiy tahlil). T.: “Noshir”. 2009. -b.172.
24. Saifnazarov, I., & Xujayev, M. I. (2018). AXMAD ZAKI VALIDIY ISLAMIC CULTURE. *Ekonomika i sotsium*, (2), 55-57.
25. SHaripov M., Fayzixo'jayeva D. (2004) *Mantiq*. T.: G'afur G'ulom.
26. Shermuhammedova N.A. (2008) *Gnoseologiya – bilish nazariyasi*. Darslik. T.: 2008.-b.10.
27. Sirojiddinov Sh. (2008) *Islom falsafasiga kirish: kalom ilmi*. T.: “Iqtisod-moliya”. 2008. –b.5.
28. Sultonov, A. (2019). The new philosophical paradigm of cultural development. *The Light of Islam*, 2019(4), 25.
29. Sultonov, A. F. (2015). Amir Temur boshqaruv madaniyatini ta'minlashda tolerantlikning ahamiyati. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zmu fuqarolik jamiyati shakllanishini monitoring qilish mustaqil instituti Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zMU ijtimoiy fanlar fakulteti, 461.
30. To'lepov A. (2013) *Islom va aqidaparast oqimlar*. T.: 2-nashr. “Sharq” NMAK bosh tahririyati. -b.123-124.
31. To'rayev B.O. (2010) *Logika (mantiq) bo'yicha masala va mashqlar*. – T.
32. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) “Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries,” *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss. 2, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/12>
33. www.ahlisunna.uz. “Sharh al-aqoid” asarining Hamidulloh Beruniy tarjimasini. 2016.23.05.
34. Ziynatullayev, Ziyodilla (2020) “The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/21>
35. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
36. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. *The Light of Islam*, 2019(4), 24.
37. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.